

А Ж Р И М

(жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида)

2022 йил 14 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, судья Х.Содиқовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Каримовнинг котиблигида, Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳи инспектори иштирокида, Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳи бошлиғининг

Расулов Собитжон Тахирович, (Rasulov Sobitjon Taxirovich) 18.06.1984 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, муқаддам судланган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Гуруч ариқ 1- тор кўчаси, 20-уйда яшовчига

нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги тақдимномасини йиғма жилд материаллари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

С.Расулов 2015 йил 10 ноябрь куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “в” банди билан айбдор деб топилиб 10 (ўн) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2019 йил 18 ноябрь кунидаги ажримиغا кўра 3 (уч) йил 11 (ўн бир) ой 20 (йигирма) кун муддатга “ахлоқ тузатиш ишлари” жазосига алмаштирилган.

С.Расуловга нисбатан чиқарилган ажрим Олмазор туман ИИО Пробация гуруҳи ҳисобига 2019 йил 2 декабрь куни олиниб, унга “ахлоқ тузатиш ишлари” жазо турини ўташ тартиб-қоидалари тушунтирилган ва уларга риоя қилиши тўғрисида тилхат олиниб, жазо муддатини ўташ учун маҳкум “MUHAMMAD SIDDIQ GROUP” МЧЖда 02.01.2020 йилдан ишни бошлаб, 01.02.2020 йилдан “AL NOSIR QODIR” МЧЖга жойлашиб, 06.09.2021 йилдан ҳозирги кунга қадар “GRAF GOLD ZONE” МЧЖда оддий ишчи бўлиб ишлаб жазо муддатини ўтаб келмоқда, жазони ўташ даврида ўзини жинойий қилмишларини тўлиқ англаб етиб, тузалиш йўлига қатъий ўтиб, белгиланган тақиқлар (чекловлар) ва мажбуриятларга амал қилиб келмоқда.

Ҳозирда С.Расулов “ахлоқ тузатиш ишлари” тариқасидаги жазо турини 2 (икки) йил 8 (саккиз) ойини ўтаган, ўталмаган жазо муддати 1 (бир) йил 3 (уч) ой 29 (йигирма тўққиз) кунни ташкил қилади.

Суд мажлисида С.Расулов, у содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини, суддан уни “ахлоқ тузатиш ишлари” жазосини ўташдан муддатидан илгари озод қилишни сўради.



Суд мажлисида Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳи инспектори, ҳақиқатдан ҳам маҳкум С.Расулов Пробация гуруҳи ҳисобида туришини, С.Расуловни “ахлоқ тузатиш ишлари” жазосини ўташдан муддатидан илгари озод қилишни сўради.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасида кўрсатилган талаблардан келиб чиқиб, киритилган тақдимномани қаноатлантиришни ва С.Расуловни “ахлоқ тузатиш ишлари” жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 541-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳи бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Расулов Собитжон Тахирович (Rasulov Sobitjon Taxirovich)га тайинланган жазонинг ўталмаган қисми, яъни 1 (бир) йил 2 (икки) ой 21 (йигирма бир) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб 20 кун ичида шу туман суди орқали Тошкент шаҳар судига шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи судья

Х.Содиқов

